

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Жиззах вилоят статистика

бошқармаси бошлиғи

К.Касимов

2021 йил



Жиззах вилояти статистика бошқармаси  
Қишлоқ хўжалиги ва экология  
статистикаси бўлими  
НИЗОМИ

I. Умумий қондадар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон карори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси қабул қилган бошқа меъёрий хужжатлари асосида ишлаб чиқилди.

2. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими Жиззах вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бошқарма бошлиги раҳбарлигига фаолият кўрсатади.

3. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика кўмитасининг буйруклари, вилоят статистика бошқармасининг буйруклари ва белгиланган тартибда тасдикланган йўриқнома ва меъёрий хужжатларга амал қилган ҳолда иш тутади.

4. Бўлим юридик шахс мақомига эга эмас.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари

5. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлимининг асосий фаолияти қўйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади:

- вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини ҳар томонлама характерловчи статистика ва ҳисботот кўрсаткичларнинг тезкорлигини, ишончлилигини, холислигини ва изчиллигини таъминлаш;

- статистика ахборотининг кулайлигини, аниклигини ва ошкоралигини кенгайтириш ишларини амалга ошириш;

- статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралashiшни истисно қилувчи тизимини таъминлаш;

- вилоят бўйича ижтимоий-иктисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, саклаш, умумлаштириш, тахлил килиш ва эълон қилишни амалга ошириш;

- вилоят худудлари ва тармоқларида иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари, ижтимоий-иктисодий масалалар юзасидан Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини бажариш мақсадида статистика кузатувларини амалга ошириш;

- Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахсларни, давлат муассасаларини ва ҳалкаро ташкилотларни ҳамда жамоатчиликни статистика ахборати билан белгиланган тартибда таъминлаш;

- статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда статистика ахборотини тезкорлик билан узатиш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш, унинг вилоятдаги бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш;
  - статистика ахборот ресурсларининг ҳавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-хисоблаш тизимини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш;
  - статистика органлари кадрлари малакасини изчил асосда оширишни таъминлаш;
  - хўжалик шартномалари асосида корхоналар ва тацкилотларга ахборот-хисоблаш хизматлари кўрсатишга доир статистик ва бошқа ишларни бажариш.
  - худудий ва иқтисодиёт тармоқларида юзага келаётган тенденциялар фактор ва сабабларини очувчи ҳисбот давридаги статистик таҳлил усуулларини қўллаган ҳолда таҳлил материаллари, ёзувлари ва маъruzаларини тайёрлаш ва уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бошқаруви органларига тақдим этиш;
  - иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва худудларни ривожлантириш Давлат дастурлари бажарилишининг бориши тўгрисида таҳлилий ёзувларни тайёрлаш ва уларни маъсул ижрочиларга тақдим этиш;
  - иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг долзарб масалалари бўйича прессрелиз ҳамда маколаларни, шунингдек ҳисбот даврида республиканинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини характерловчи статистик маълумотларни тайёрлаш ва оммовий ахборот воситаларида эълон қилиш;
  - ҳисбот даврида республика ва унинг худудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш кўрсаткичларини бошқарманинг расмий веб-сайтига жойлаштириш;
  - статистика бошқармасининг расмий веб-сайти ва кўрсатилаётган интерактив хизматлар мазмунидан қоникиш ҳосил қилганилиги ҳусусида статистика маълумотларидан фойдаланувчилар орасида мунтазам равишда сўровлар ўтказиши;
  - ишончли давлат статистик ҳисботларни хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш бўйича улар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида хукукбузарликлар профилактикаси ва хукукий маданиятни оширишининг ишлайдиган механизмларини ишлаб чиқиши;
  - статистик маълумотларни йигиш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатишнинг замонавий ахборот комуникация технологияларини кенг татбиқ қилиш.
6. Бўлим конун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади..

### III.Бўлимнинг асосий функциялари

7. Кишлоп хўжалик ва экология статистикаси ишлари бўлимининг ўз зиммасига юкланган вазифаларига мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради;
  - давлат статистика принципларига риоя этилишини таъминлади;
  - статистика ишларининг кўп йиллик ва йиллик дастурларининг бажарилишини таъминлади;
  - статистика кузатувлари дастурларининг самарали амалга оширилишини, статистика ахборотларини қайта ишлаш, тўплаш, саклаш ва тарқатишни таъминлади;
  - давлат статистика ҳисботи шаклларини ва уларни тўлдиришга доир йўрикномаларни доимий ўрганиб боради ва белгиланган тартибда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлади;
  - белгиланган тартибда мухим ижтимоий иқтисодий муаммолар бўйича мониторингни ташкил қиласи ва амалга оширади;
  - вилоят худудлари ва тармоқларида рўй берадиган ижтимоий-иктисодий жараёнларни комплекс таҳлил қилиш учун статистика кўрсаткичларининг ахборот тизимини таъминлади:
    - вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий ислоҳатларнинг боришини, қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари, дехкон хўжаликлари, қишлоқ хўжалик соҳасида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятларини ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарида, бозор муносабатлари, асосий воситалар харакати ва бозор инфратузилмасининг вужудга келишини, нархлар динамикасини, давлат, корхона ва иқтисодиёт тармоқларининг молиявий ахволини, меҳнат бозорлари, инвестиция ва демографик жараёнлари, меҳнат ресурслари динамикаси ва таркибини, меҳнатта ҳақ тўлаш ва унинг шартларини, ижтимоий

соҳа хукукий тартибот ва экологиянинг аҳволини, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари фаолият кўрсатиши динимикасини, статистика кузатувларини амалга оширади;

- вилоятдаги энг мухим иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ва ходисаларнинг дастлабки статистик таҳлилини амалга оширади;

- статистика фаолияти, шу жумладан давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини юритиш масалалари бўйича норматив-хукукий хужжатлар лойихаларини ишлаб чиқишида белгиланган тартибда таклифлар тайёрлайди;

- статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборот-тушинтириш ишларини амалга оширади;

- миллий қонун хужжатларига ва тавсияномаларга мувофиқ статистика маълумотларининг маҳфийлигини тъминлайди;

- маълумотларни тайёрлаш методларини, тартибини ва сифатини такомиллаштириш негизида барча фойдаланувчиларга очик статистика ахборотларини тарқатади ва уларни фойдаланиш учун кенг шароитлар билан тъминлайди.

8. Бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

#### IV. Бўлимнинг хукук ва мажбуриятлари.

9. Бўлим кўйтдаги хукукларига эга:

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошка юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика хисоботларини олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

- юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини ўтказиши ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова килинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

- олинаётган давлат статистика маълумотларининг тўликлиги, холислиги ва ишончлилигини экспертизадан ўтказиши;

- давлат статистика маълумотларида коидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш ҳамда жамланма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

- юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишини амалга оширувчи органлардан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш учун зарур маълумотларни олиш;

- давлат органлари, юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, статистика маълумотлари тақдим этувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий хужжатларнинг бажарилишини белгиланган тартибда талаб килиш;

- давлат статистика кузатувлари методологияси ва уларни ташкил этиш, шунингдек расмий статистика ахбороти билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушинтириш ишларини амалга ошириш;

- олинаётган статистика маълумотларининг тўликлиги, ишончлиги ва холислигини экспертизадан ўтказиши;

- вилоят худудидаги муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотларининг ишончлилиги ва тўликлигини белгиланган тартибда текшириш;

- статистика хисоботи кўрсаткичларида бузилишлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

- статистика маълумотларини тақдим этиш тартиби интизомининг бузилишига йўл кўйган ҳамда яширин ва ноқонуний ишлаб чиқаришни, пул маблағларининг банкдан ташкари айланишини яширишга ва корхоналар фаолиятини холисона баҳолашнинг бузилишига сабаб бўладиган, унинг муассислари ва акциядорлари манфаатларига зарар келтирадиган иотўғри статистика маълумотларини қасдан тақдим этган шахсларга нисбатан Ўзбекистон

Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни расмийлаштириш;

- статистика ҳисботини қасдан нотўғри тақдим этган ҳолда кўпол қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

10. Бўлим ўзига тегишли вазифалар доирасида статистика соҳасидаги қонунчиликда белгиланган ягона сиёсатнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

11. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Конуни талабларини бузганлик учун, ёхуд мазкур қонун бузилишларига кўмаклашганик учун қонунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

12. Бўлим бошлиги бўлимга берилган топширикларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, меҳнат интизомининг ҳолати ҳамда ўзига бириктирилган бошка вазифаларни бажарилиши устидан маъсулдир.

13. Бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошка хукукларга ҳам эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариши мумкин.

## **V. Бўлимнинг ташкилий ва функционал Структураси**

14. Бўлим низоми ва лавозимлар йўрикномаси бошқарма бошлиги томонидан тасдикланади;

15. Бўлимни мазкур низоми асосида бўлим бошлиғи бошқаради.

16. Бўлим бошлиги эгаллаб турган лавозими бошқарма бошлиги томонидан тайинланади ва озод этилади.

17. Бўлимнинг иш режаси ва иш ҳисботи, бошқарма бошлиғи томонидан тасдикланади.

18. Бўлим шартлари сони ва иш ҳаки миқдори вилоят статистика бошқармаси штат жадвали асосида белгиланади.